

Нубувват хонадонида (давоми)



12:00 / 30.03.2019 3377

Ҳафса онамиз розияллоҳу анҳо Қуръони каримни тўлиқ ёд олганлар ва унинг тафсирини ҳам яхши билар эдилар. У кишининг бу даражага етишларига биринчи устозлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан олган дарслари сабаб бўлган эди. Ҳафса онамиз билмаган нарсаларини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраб олишни малол кўрмас эдилар. Кези келганда эса ўз фикрларини билдиришдан ҳам тоймас эдилар.

Муслим, Абу Довуд ва Термизий раҳматуллоҳи алайҳим қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳафсанинг олдида:

«Иншааллоҳ, дарахт соҳибларидан биттаси ҳам дўзахга кирмайди», дедилар.

«Йўғ-е, эй Аллоҳнинг Расули», деди у.

У зот уни зажр қилдилар. Шунда у:

«Аллоҳ таоло «Сиздан унга яқинлашувчи бўлмаган ҳеч ким йўқ», деган-ку?» деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ундан кейин Аллоҳ таоло «Сўнгра тақво қилганларга нажот берамиз ва золимларни унда тиз чўккан ҳолларида қолдирамиз», деган-ку», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Ҳафса онамиз ораларидаги далил суриштириш васф қилинмоқда.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳафсанинг олдида:

«Иншааллоҳ, дарахт соҳибларидан биттаси ҳам дўзахга кирмайди», дедилар».

«Дарахт соҳиблари» Ҳудайбия ҳодисасида иштирок қилган саҳобаи киромлар бўлиб, улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга дарахт остида байъат қилишган. Ўша машҳур байъатнинг номларидан бири «дарахт байъати» бўлиб қолган. У байъатда иштирок этганлар эса «дарахт соҳиблари» деб номланадилар.

Аллоҳ таоло Ўз каломида улар ҳақида:

«Батаҳқиқ, Аллоҳ мўминлардан дарахт остида сенга байъат қилаётганларида рози бўлди. Бас, уларнинг қалбларидагини билди, уларга сокинликни туширди ва яқин фатҳ ила мукофотлади», деган (Фатҳ сураси, 18-оят).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ана ўша зотлардан бирортасининг ҳам дўзахга тушмасликларини таъкидлаб айтганларида олдиларида Ҳафса онамиз ҳам бор эканлар. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларини эшитишлари билан:

«Йўғ-е, эй Аллоҳнинг Расули», деди».

Қизиқ гап бўлди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир гапни айтсалар, завжаи мутоҳҳараларидан бирлари бошқача гап қилиб турибдилар.

«У зот уни зажр қилдилар».

Ҳалиги айтган гаплари учун Ҳафса онамизга танбеҳ бердилар. Аммо Ҳафса онамиз ҳам ўзларича кўнгилларига келган гапни айтмаган эканлар. У кишининг ҳам далиллари бор экан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга жавобан ўша далилни айтдилар:

«Аллоҳ таоло «Сиздан унга яқинлашувчи бўлмаган ҳеч ким йўқ», деган-ку?» деди».

Яъни «Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Сиздан у дўзахга яқинлашмайдиган – кирмайдиган киши йўқ» деган. Бу «Албатта, ҳамманинг ҳам дўзахга бир кириши бор», деганидир. Шундай бўлгач, дарахт эгалари ҳам киришлари бор бўлади», дедилар.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳафса онамизга масаланинг ҳақиқатини англатдилар.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ундан кейин Аллоҳ таоло «Сўнгра тақво қилганларга нажот берамиз ва золимларни унда тиз чўккан ҳолларида қолдирамиз», деган-ку», дедилар».

Яъни «Тақво қилганлар дўзахдан нажот топурақлар. Уларнинг дўзах устидаги кўприқдан ўтишлари юқоридаги оят юзасидан, дўзахга яқинлашиш ҳисобига бўлур».

Ҳафса онамизнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳбуба аёллари бўлишлари у кишининг яқинлари учун ҳам катта фахр манбаси эди. У кишининг оталари Умар розияллоҳу анҳунинг ўзларини қандай тутишларини аввал кўриб ўтдик. Ҳафса онамизнинг укалари Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг ҳам бу яқинликдан қандай фойдаланганини келгуси ривоятдан ўрганамиз.

Бухорий, Муслим ва Термизийлар Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Тушимда қўлимда бир парча шойи борлигини кўрдим. Унга жаннатнинг қаерига ишора қилсам, ўша ерга мени учуриб олиб борар эди. Бас, мен уни

Ҳафсага айтиб бердим. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган экан:

«Албатта, уканг солиҳ одамдир» ёки «Абдуллоҳ солиҳ одамдир», дебдилар».

Бу ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг солиҳ одам экани таъкидланмоқда. Бу эса Абдуллоҳ ибн Умар учун фазл устига фазлдир. У киши ўзларига берилган бу баҳони Ҳафса онамиз орқали билганлар. Абдуллоҳ ибн Умар ушбу гапни эшитганларидан кейин таҳажжуд намозини тарк қилмаганлар. Бунга ҳам Ҳафса онамиз сабаб бўлганлар.